

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИГА РАСМИЙ ТАШРИФИ ДАВОМИДА УМУМИЙ ҚИЙМАТИ 10 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРДАН ОРТИҚ БЎЛГАН КЕЛИШУВЛАРГА ЭРИШИЛДИ.



HUQUQ

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq.uz

2019-y. 28-MART, №13 (1158)

JARAYON

52 НАФАР ИШЧИ-ХОДИМ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ СУДГА ДАЪВО АРИЗАЛАРИ КИРИТИЛДИ.

ЯНГИ АМАЛИЁТ «БЕХАБАР ЭДИМ» КАБИЛИДАГИ БАҲОНАЛАРГА ЧЕК ҚЎЯДИ.

КАДРЛАР ИНСПЕКТОРИ «ЧАСОВОЙ» ИШГА 200, «ШТАТНИЙ» «СТАВКА»ГА 300 ДОЛЛАР СЎРАДИ.

5 МЛРД. СЎМДАН ОШИҚ МИҚДОРДАГИ ҚАРЗ АҲОЛИ ГАРДАНИГА ЮКЛАНГАН.

ЕР – ЗАР, ДЕҲҚОН – ЗАРГАР

Кам таъминланган оилаларга мевали ва манзарали дарахтлар экиш мақсадида 57 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

3-бетда



БОШ ПРОКУРОР 100 НАФАРДАН ОРТИҚ ФУҚАРОНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Жорий йил 25 март куни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маданият саройи биносида Олий суд раиси, Бош прокурор, Ички ишлар вазири, Адлия вазири, Солиқ қўмитаси раиси, Президент маслаҳатчиси ва унинг биринчи ўринбосари ҳамда Тошкент шаҳар секторлари раҳбарлари томонидан оммавий (сайёр) қабуллар ташкил этилди.

Қабулларда Бош прокурор томонидан 125 нафар фуқаро қабул қилиниб, уларнинг муаммоси тингланди.

Бош прокуратура томонидан қабул қилинган мурожаатларнинг 74 тасини суд, 15 тасини прокуратура иш юритувига, 10 тасини ички ишлар фаолиятига, 10 тасини мажбурий ижро, 3 тасини банк, 2 тасини иш билан таъминлаш, 2 тасини қурилишга ва 9 тасини бошқа масалаларга оид мурожаатлар ташкил этди.

Прокуратура органлари томонидан жиноят ишлари бўйича 4 та суд қарорига нисбатан протест келтирилди, 2 нафар шахсга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чоралари ўзгартирилиб, уларнинг озодликка чиқарилиши, уй-жойи бузилган

1 нафар фуқарога компенсация тўлаб берилиши, 5 нафар шахснинг ишга жойлаштирилиши таъминланди.

Оммавий қабул жараёнида 21 нафар шахснинг мурожаати қаноатлантирилиб, қолган 104 таси шахсан Бош прокурор назоратига олинди.

Жумладан, фуқаро Соҳиба Бабаеванинг Тошкент туман прокуратураси томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилаётган жиноят иши бўйича турмуш ўртоғи Давлатов Шерзодга қўлланилган "қамок" эҳтиёт чорасини бекор қилиш юзасидан мурожаати қабул жараёнида суд идоралари билан ҳамкорликда кўриб чиқилди ҳамда Ш.Давлатовга нисбатан қўлланилган "қамок" эҳтиёт чораси бекор



қилиниб, унинг озодликка чиқарилиши таъминланди.

Шунингдек, фуқаро Турсунной Сафарованинг жияни Ш.Абдуллаевни "Ўзбекистон темир йўллари" АК тизимида ишга киритиш ҳақидаги мурожаати қаноатлантирилди.

Қабул қилинган мурожаатларнинг ўз вақтида таъминлаш ҳал этилишини таъминлаш

чоралари кўрилмоқда. Шу мақсадда 42 та жиноят, 20 та фуқаролик ишлари, 8 та маъмурий ва 4 та иқтисодий ишлар Бош прокуратурага қақиртирилиб, мурожаатлар билан бирга кўриб чиқилмоқда.

Бош прокуратуранинг Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими

ИСТЕЪМОЛДАГИ ГЎШТНИНГ СИФАТИ КАФОЛАТЛАНГАНМИ? ТОШКЕНТГА КЕЛТИРИЛГАН ҚАРИЙБ 1,5 ТОННА ГЎШТ ЙЎҚ ҚИЛИНДИ.

4-бетда



ОЧИҚ КЎЗЛИ СЎҶИРЛАР

ТОШБАҒИР ОНА УЧ ОЙЛИК ЧАҚАЛОҒИ УЧУН ИККИ ХОНАЛИ УЙ НАРХИНИ ТАЛАБ ҚИЛДИ.

8-бетда





FAOLIYATIDAN

Электр ва газ таъминоти соҳасида бошқарув тизими, назорат қилиш ҳамда ҳисобга олиш механизми янада такомиллаштириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш ва жавобгарлигини кучайтириш, шунингдек, ижро иши юритиш самарадорлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Тадбирлар довомида баъзи таъминотчи корхоналар мансабдор шахслари томонидан жиноят содир этилишига йўл қўйилаётгани аниқланмоқда.

Жумладан, Жиззах шаҳар электр тармоқлари корхонаси мансабдор шахслари аҳолининг электр энергиясидан жами қарздорлиги 7 миллиард 72 миллион 319 минг сўм

Аҳоли гарданига ортилган «ЮК»

бўлса-да, фойдаланилган, бироқ эгаси аниқланмаган электр энергияси ҳажмини камайтириб кўрсатиш усули ўйлаб топишган. Шу мақсадда 2016-2017 йиллар давомида 26 311 нафар истеъмолчи томонидан ҳақиқатда истеъмоли қилинмаган электр энергияси учун 5 миллиард 463 миллион 320 сўм миқдор-

Музаффар УМАРОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
Мажбурий ижро бюросининг
бўлим катта инспектори

электр тармоқлари корхонаси мансабдор шахслари томонидан 2016 йил ва 2017 йилнинг 1-ярим йиллигида 3 371 ҳолатда аҳоли истеъмолчила-

Эгаси аниқланмаган электр энергияси ҳажмини камайтириб кўрсатиш усули ўйлаб топилди.

даги қарзни асоссиз равишда аҳоли бўйнига юклашган. Ушбу норéal қарздорлик "Электр ҳисоб" дастурига киритилиб, аҳоли қарздорлиги 12 миллиард 535 миллион 653 минг сўм қилиб кўрсатилган. Шу тарика расмий ҳужжатларнинг қалбакилаштирилиши фуқароларнинг ҳуқуқларига, давлат ҳамда жамият манфаатларига жиддий зарар etkazилишига сабаб бўлган.

Шунингдек, Жиззах шаҳар

ри томонидан ҳақиқатда истеъмоли қилинган 1 миллиард 626,9 миллион сўмлик қарзларнинг ҳеч қандай ҳужжатлар расмийлаштирилмасдан, асоссиз равишда "Электр ҳисоб" дастуридан чиқариб юборилганлиги оқибатида давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар etkazилган.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Қимматга тушган қилмиш

Сарфланган электр энергияси ва табиий газ тўловларини бир гап бўлар, дея орта сурган истеъмолчилар, аввало, ўзларини қийин аҳволга солиб қўйишяпти. Айрим ўзига тўк ношукурларнинг эса қилмишлари эртами-кечми ошқор бўлишидан ҳайикмай, тармоққа ўзбошимчалик билан ҳисоблагичдан ташқари ураниб, давлат ва жамият манфаатларига зарар etkazгани аниқланмоқда.

Учқўприкнинг Наврўзшоҳ кўчасида истиқомат қилувчи С.Ҳошимованинг хонадонидаги электр ҳисоблагичдан ташқари тармоққа қўшимча кабель орқали яширинча уланиб, 9 та ёритгич, 6 та розетка, 3 та кондиционер, 2 та телевизор каби маиший электр асбоб-усқуналаридан фойдаланиб келгани аён бўлди.

Ойбек ҚАДИРОВ,

МИБ Учқўприк туман бўлими тезкор шўба инспектори

Қилмиши оқибатида у туман электр тармоқлари корхонасига 49 миллион 123 минг сўм миқдоридан зарар etkazган. Унга терговга қадар текширув довомида жинойий қилмиш аниқланган кундан эътиборан ўттиз кун мобайнида etkazилган моддий зарарнинг ўрни қопланса, жавобгарликдан озод этилиши ҳақидаги қонун талаби тушунтирилиб, баённома тузилган.

С.Ҳошимова etkazилган зарарнинг ўрнини бир ойлик муддат тугамасдан тўлиқ қоплагани инобатга олиниб, унга нисбатан жиноят иши кўзгатилмади.

Шавкатбек ҲАМИДОВ,

МИБ Асака туман бўлими бошлиғи

2 миллион 651 минг 781 сўм, Юқори Бўз маҳалласида яшовчи Бобир Ниёзов хонадони 3 миллион 309 минг 660 сўм қарздорлигини ўз вақтида бартараф қилмагани учун ҳар икки хонадон тармоқдан узилди. Қўриб турганингиздек, аста-аста йиғилган қарздорликлар миқдори катта миллионларни ташкил этмоқда. Фуқаролар томонидан ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига, шу орқали, жамият фойдасига зарар etkazилмоқда. Текширишлар шуни кўрсатадики, айрим фуқаролар қарзи миқдори катталашган, уни тўлашга бўйни ёр бермай қолади. Агарда электр, газ ва бошқа табиий ресурслар учун тўловлар вақтида, ойма-ой амалга ошириб борилса, ортиқча ташвишларга ўрин қолмайди.

Мажбурий ижро бюросининг Навоий вилоят бошқармаси таркибий тармоқлари ва туман-шаҳар бўлимлари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 644 та ариза ва шикоят белгиланган тартибда ўрганиб чиқилди. Мурожаатларнинг 336 таси қаноатлантирилди ва 308 тасига тушунтириш берилди.

Қидирувдаги ота

Феруза МАМАНОВА,

МИБ Навоий вилоят бошқармаси катта инспектори

Хусусан, Навбахор тумани "Янги куч" маҳалласида яшовчи фуқаро Э.Ғулова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) фуқаролик ишлари бўйича Навбахор туманлараро судининг 2017 йил 6 октябрдаги ижро ҳужжатига асосан қарздор Н.Бектошевдан (исм-шарифи ўзгартирилган) икки нафар фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундиришда амалий ёрдам беришни сўраб мурожаат қилган. Мажбурий ижро ҳаракатлари довомида фуқаро Э.Ғулова фойдасига Н.Бектошевдан 9 миллион 115 минг сўм миқдоридаги алимент пуллари ундириб берилиши таъминланган.

Бироқ, шундай ота-оналар ҳам борки, улар ажрашиб кетгани етмагандай фарзандларининг кейинги тақдирига ҳам бефарқ бўлишади. Ҳозир етмаган фарзандларни моддий таъминлаш шартлиги қонун билан белгилаб қўйилган бўлса-да, бунга эътибор қаратишмайди.

Кармана тумани Тошработ маҳалласида яшовчи фуқаро Ю.Қарюванинг фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судининг 2014 йил 6 ноябрдаги ижро ҳужжатига асосан алимент пуллари ундириш учун турмуш ўртоғи О.Тоҳировни қидириб топиш ва ундан икки нафар фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундиришда амалий ёрдам беришни сўраб ёзган мурожаати бошқарма ходимлари томонидан ўрганиб чиқилди. Қарздор О.Тоҳиров қидириб топилган, жами 2 миллион 73 минг сўм алиментни ўз вақтида тўламаганлиги сабабли маъмурий баённома расмийлаштирилиб, қўриб чиқиш учун Кармана туман маъмурий судига юборилди. Суднинг 2019 йил 24 январдаги қарорига асосан унга нисбатан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланди. Қарздорга маъмурий жазо қўлланилгандан сўнг у алимент қарзларини тўлиқ бартараф этишга мажбур бўлди.

Айни пайтда аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиниб, уларни қийнаётган муаммоларни қўриб чиқиш мақсадида жойларда сайёр қабуллар ташкил қилинмоқда.

Маъмурий жазо қўлланилган, қарздорлик тўлиқ бартараф этилди.

Қарздорлик икки карра ортди

Олимжон РАҲМОНОВ,

МИБ Наманган вилоят бошқармаси катта инспектори

Жорий йилнинг февраль ойида ўтказилган Наманган туманидаги маҳаллаларда тўлов интизомини мустаҳкамлашга қаратилган тарғибот тадбирлари довомида қатор қонун бузилиши ҳолатлари аниқланди. Масалан, туманнинг Муллақудинг маҳалласида яшовчи Зухриддин Шамсидиновга табиий газдан қарздорлик 1 миллион 700 минг сўмга етгани учун талабнома берилган бўлса-да, у беш кунлик муддатда тўловни амалга оширмагани сабабли тармоқдан вақтинча ажратилиб, тегишли далолатнома расмийлаштирилди.

теъмолчи қарздорликни бартараф этиш ўрнига ўзбошимчалик билан тармоққа уланиб олгани маълум бўлди. Мазкур ҳолат юзасидан тегишли далолатнома расмийлаштирилди, шунингдек, белгиланган беш кунлик муддатда тўловни амалга оширмагани учун тармоқдан вақтинча ажратилди.

Юқоридаги икки қарздор хонадон тўловни амалга оширмагани учун тармоқдан ажра-

Фойдаландингизми, ҳақини ҳам тўланг!

Жорий йилнинг ўтган даврида ходимларимиз томонидан суммаси 1 миллиард сўмдан ортқ талабномалар тарқатилган. Қўрилган чоралар сабабли 350 миллион сўмдан зиёд қарздорлик бартараф этилди. Қарздорликни тугатиш масаласига бефарқ қараган 89 нафар истеъмолчи тармоқдан узилди ва уларга энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида жарима солинди.

Тармоқдан узилганидан

ритилиб, ундирув юқоридаги қарздорларнинг мол-мулкига қаратилди.

Жумладан, туманнинг Ўзбекистон маҳалласида яшовчи Сарвар Салимов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 2 миллион 198 минг 342 сўм қарзи бўлгани ҳолда, бемаъл электр истеъмолида давом этаётган экан. Текшириш натижасида аниқланган бу ҳолат юзасидан ҳам хулоса чиқарилиб, бартараф қилинмаган қарздорлик учун хона-

дон электр тармоғидан ажратилди ва қарзни ундириш устида иш олиб борилмоқда. Шунингдек, Шўрчишлоқ маҳалласида истиқомат қилувчи Ақром Сайдалиев хонадонини электр энергиясидан

Аста-аста йиғилган қарздорликлар миқдори катта миллионларни ташкил этмоқда.

сўнг ҳам қарзини тўламаган 26 нафар фуқаронинг қарзи бўлим томонидан мажбурий ундирувга қаратилди. Бу ҳақда Асака туманлараро судига ҳолатлар юзасидан тегишли даъво аризалари ки-

Муборакбод этамиз!



Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, Бюро фахрийси Шербай Маматов 60 ёшни қарши олмақда.

У прокуратура органлари тизимидаги меҳнат фаолияти давомида Департаментнинг Сурхондарё вилояти Шўрчи туман бўлими инспектори, Бандихон туман бўлими инспектори, Денов туман бўлими бошлиғи, Департаментнинг вилоят бошқармаси катта инспектори, Бойсун туман бўлими инспектори, навбатчи қисм инспектори ва катта инспектори, МИБнинг Шеробод туман бўлими бошлиғи лавозимларида самарали хизмат қилди.

Мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган Шербай Маматов айна пайтда Бюронинг Термиз шаҳар бўлими бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатиб, ёшларга ўзининг катта иш тажрибасини сидқидилдан ўргатиб келмоқда.

Ҳурматли Шербай Чориевич! Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга узоқ умр, оилавий бахт, мустаҳкам соғлиқ ва фаровонлик тилаб қоламиз!

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва Бюронинг Сурхондарё вилоят бошқармаси жамоаси



Бу йўлларга қачон навбат етаркин?

Ўйдим-чўнқир йўлдан каттагина сумкасини орқалаб бораётган 7-8 ёшлардаги болакай шошилиб югурман деб йиқилиб тушди. Усти-боши лойга қоришди. Сўнг йиғлаб юборди. Бу тарафда ёққанига анча бўлган ёмғирдан ҳосил бўлган кўлмакка ботиб қолган машина эгасининг сўкингани эшитиларди. У асабийлашганидан ёнбошдаги симёғочга урилишига сал қолди.

Урганч тумани Чандир-қибт кишлоғи Ҳамроҳ кўчасидаги йўл бўйида ярим соатча кузатиб туриб, бу каби ҳолатларга кўплаб гувоҳ бўлдик.

Расмга олаётганимизни кўрган хассали бир амаки оқсоқланганича ховлиқиб келди:

— Ҳокимиятдан мисизлар? Йўлимиз таъмирланадиган бўлдимми? Симёғочларни ҳам тўғирланглар, илтимос. Ўзимизни таништиргач, хўрсиниб кўйди.

— Мен бизнинг кўчага ҳам навбат келдимикин деб ўйлабман, — деди ўзини Машарип Йўлдошев деб таништирган амаки. — Бу ерда 30 йилдан бери яшайман. Ҳар йили бир неча бор мутасадди идораларга мурожаат қиламиз. Йўлимизни таъмирлаб беришни сўраймиз. Бир ёмғир ёгса, бу кўчадан бир ойгача ўтиб бўлмайди. Ёзда чангига чидаб бўлмайди. Мактабга қатнайдиган невараларимдан хавотир оламан. Ҳар куни симёғочлар ёнидан эҳтиёт бўлиб ўтинлар деб тайинлайман. Кексалик курсин, невараларимни кузатиб кўяман деб чиқиб, йиқилиб тушдим. Бир неча кун ўрним-

Ойбек ЖУМАНИЁЗОВ,
"Нуқуқ"

дан қимирламай ётиб қолдим. Мана, аҳволим.

Машарип ота каби хасратидан чанг чиққан инсонлар кам эмас. Улар "Фалон қишлоқ обод бўлибди. Фалон кўча таъмирланибди" деб эшитишса, хаваслари келиб, ўз кўчалари ҳам тезроқ янги қиёфа касб этишини интизорлик билан кутишда давом этишарди. Симёғочлар таъмирланмаётгани айниқса, маҳалла аҳлини хавотирга солади. Ёш болалар билиб-билмай уларга яқинлашишидан чўчишарди.

Бугун мамлакатимизнинг аксарият қишлоқ ва маҳаллалари обод ва кўркем манзара касб этмоқда. Бу кўчага ҳам навбат етиб қолар. Нима дедингиз?



AGROBANK

REKLAMA

**Агробанк баҳор фасли муносабати билан
янги омонат турини таклиф этади!**

«Баҳор — 2019»

миллий валютадаги омонати:

✓ Йиллик фоиз ставкаси:

банкда расмийлаштирганда — 20 фоиз;

✓ «Agrobankmobile»

иловаси орқали расмийлаштирганда — 21 фоиз.

◆ Минимал талаб этиладиган маблағ — 1 000 000 сўм.



◆ Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

Агробанк омонатлари Сиз учун!

/AgrobankChannel

/agrobankuzbekistan

Agrobank Mobile иловасини юклаб олинг



www.agrobank.uz

tel. (+99871) 203 88 88

Хизматлар лицензияланган

12

28-MART 2019-Y.
HUQUQ № 13.
(1158)

"China cup-2019" халқаро мусобақасида Уругвайга 3:0 ҳисобида мағлуб бўлган Ўзбекистон миллий терма жамоаси Хитой термасини 1:0 ҳисобида енгиб, 3-ўрин соҳибига айланди.